# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 9 сентябрь, № 179 (6614) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ



Ҳурматли Спикер!

Ҳурматли Сенат Раиси!

Муҳтарам депутатлар ва сенаторлар!

Қадрли қўшма мажлис иштирокчилари!

Шу кунларда барчамиз биргаликда юрагимизда чуқур дард билан, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир жудоликни бошимиздан кечирмоқдамиз. Нуроний оқсоқолларимиз, мўътабар оналаримиз ва опа-сингилларимиз, ёш йигит ва қизларимиз, 32 миллионли бутун Ўзбекистон халқи, хорижий мамлакатлардаги кўп сонли дўстларимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни чексиз қайғу билан сўнгги йўлга кузатдилар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз Ислом Абдуғаниевичнинг рафиқаси — ҳурматли Татьяна Акбаровнага, қизи — Лола Исломовнага ва яқинларига барчамизнинг номимиздан яна бир бор чуқур таъзия билдиришга рухсат бергайсиз.

Вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг замонамизнинг улуғ сиёсатчиси, узоқни кўрадиган ва стратегик фикр юритадиган шахс, дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини давлатчилик нуқтаи назаридан кўра билиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдири учун улкан масъулият туйғусини чуқур ҳис қиладиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади.

Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, миллатлараро тўқнашувлар ва бошқа зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда фуқаролар уруши хавфи юзага келган, иқтисодиёт чуқур инқирозга учраган, бир сўз билан айтганда, эски замоннинг умри тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда Ислом Абдуғаниевичнинг республика раҳбари этиб сайланиши Яратганнинг халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди.

Ислом Абдуғаниевичга хос бўлган букилмас ирода, фидойилик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи — бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк Йўлбошчимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосий муаллифи эдилар.

Мамлакатимиз тоталитар тизимдан воз кечиб, мустақил тараққиёт йўлини танлади, кўплаб қийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Конституция ва унинг негизида яратилган пухта қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантиришни ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади.

Ислом Абдуғаниевич **“Иқтисодий мустақилликка эришмасдан сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди”** деган тамойил ва энг муҳим устувор вазифани амалга оширишни стратегик масала деб ҳисоблар эдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охирги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда қурилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирик ва ноёб ҳисобланган саноат объектлари, хусусан, Устюрт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калий ўғитлари заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобилсозлик заводларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Республикамизда жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ташкил қилинмоқда. Жумладан, Қамчиқ довонидан ўтадиган, ноёб тоғ туннелини ўз ичига олган Ангрен — Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилди. Тошкентдан Самарқанд, Қарши ва Бухорога йўловчи ташийдиган юқори тезликдаги темир йўл қатнови очилди. Халқаро аэропортлар модернизация қилинди, Навоий аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил қилинди ва Ўзбекистон Миллий автомагистрали барпо этилди.

Қишлоқ хўжалигида туб таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Барчамиз яхши эслаймиз, яқин ўтмишда Ўзбекистонни пахта монополияси ҳукмронлик қиладиган аграр бир мамлакат деб билишар эди. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, четдан олиб келинадиган импорт ҳисобидан қондирилар эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва янги, илғор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳақиқий мулкдорларнинг янги синфи бўлган фермерлик ҳаракати шакллантирилди.

Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш даражаси кўпайди: гўшт, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотлар — 1,5 баробар, сабзавот — 2,6 баробар, мева — 6,3 баробар ошди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда ва улар мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган **“Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун”** деган эзгу ғояни амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини сезиларли даражада яхшилашни таъминлади.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга бўлган масалаларни ечиш билан бир қаторда, жамиятимиз ҳаётини, фуқароларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини тубдан ўзгартиришга қаратилган кўп қиррали вазифаларга доимо катта эътибор қаратар эдилар.

**“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”** деган чуқур маъноли фикрлари ҳаммамизнинг қалбимизда муҳрланиб қолган.

Юртбошимиз мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунини ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини кескин ўзгартирган, мутлақо янги таълим ва тарбия тизимини яратиш ва ҳаётга татбиқ қилиш ишларига бевосита муаллифлик ва раҳбарлик қилдилар.

Юртимизда илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт каби муҳим соҳалар фаол тарзда ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, анъана ва урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, айниқса, давлат ва жамият бошқарувида маҳалланинг нуфузини ошириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш борасида улкан ишларни амалга оширди.

Юртбошимиз кекса авлод вакилларига, муҳтарам фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром ва амалий ғамхўрлик кўрсатишни ўта муҳим вазифа деб ҳисоблар эдилар.

Олий Бош Қўмондон сифатида Ислом Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучларимизни тубдан ислоҳ қилиш, жанговар қобилиятини кучайтириш ва шу асосда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ва мустақиллигини ҳимоялаш, сарҳадларининг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш учун беқиёс хизмат кўрсатдилар.

У кишининг ташаббуслари билан тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва юзага келаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни фақат ва фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Биз охирги 25 йил давомида жуда кўплаб муҳим анжуман ва йиғилишларни ўтказдик. Уларнинг барчасига муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилик қилганларидан яхши хабардорсиз. Бугун эса тарихимизда биринчи марта бундай муҳим йиғилишни азиз раҳбаримизнинг иштирокисиз ўтказмоқдамиз. Гўёки хаёлимизда у киши ҳозир залга кириб келадигандек.

Ўйлайманки, бугунги мажлисда қатнашаётган ҳар бир инсон шу залда буюк Йўлбошчимизнинг руҳи ва нафасини сезиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ўлмас ғоялари, фикр, кўрсатмалари бизнинг қалбимиз ва онгимизга шундай чуқур сингиб кетганки, улар бизнинг келажак сари қатъият билан боришимизда барчамизга доимо таянч ва суянч бўлиши муқаррар.

Шу муносабат билан, биз дунёдаги ҳозирги мураккаб ва кескин шароитни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ўзимизнинг биринчи даражали вазифаларимизни биргаликда белгилаб олишимиз даркор.

Бугун биз халқимизни ишонтириб, баланд овоз билан айтишимиз зарурки, буюк устозимизнинг сиёсий мероси, яъни, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Биринчидан,** биз ҳар доим Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг чуқур маъноли ўгитларини, айниқса, **“Бизга тинчлик ва омонлик керак!”** деган сўзларини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали вазиятда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз, юртимиздаги миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

2016 йил 8 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, таклиф этилган Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис аввалида йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни вақтинча юклаш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Қўшма мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Т. Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёевнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимларидаги кўп йиллик тажрибасини, аҳоли ўртасидаги ҳурмат-эътиборини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифа ва ваколатларини бажаришни унинг зиммасига вақтинча юклаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Т. Йўлдошевнинг мазкур таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, депутатлар ва сенаторлар ҳозирги шароитда барқарорликни сақлаш, жамоат хавфсизлигини ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини самарали ҳал этиш зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Т. Йўлдошевнинг таклифини қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилишини ташкил этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси шу билан ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси**
**ва Сенатининг ахборот хизматлари**

# Соғлом авлод тарбияси – устувор мақсад

Пойтахтимизда “Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — жамият ривожланишининг муҳим асоси: Ўзбекистон тажрибаси” мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

**ХАЛҚАРО АНЖУМАН**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Миллат генофондини яхшилаш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида кенг кўламли умуммиллий дастурлар ҳаётга татбиқ қилинди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов соғлом авлодни тарбиялаш орқали буюк давлат, фаровон ҳаёт асосини қуриш заруратига устувор эътибор қаратди ҳамда бу йўналишдаги изчил ва самарадор ислоҳотларнинг ташаббускори бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### «Устоз — шогирд» мактаби

**Хоразм**

Хива шаҳрининг “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонасидаги Оллоқулихон карвонсаройида туризм соҳаси ва ҳунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида Ҳунармандлар маркази ҳамда “Устоз — шогирд” мактаби ташкил этилди. Ушбу хайрли иш “Ўзбектуризм” Миллий компанияси вилоят минтақавий бўлими ва “Ҳунарманд” уюшмаси Хива тумани бўлими ҳамкорлигида амалга оширилди.

Бу ерда 50 нафар ҳунарманд аёл учун иш ўринлари яратилди. Чеварлар сайёҳларга манзур бўладиган 25 дан ортиқ турдаги буюмларни ясаб, 12 та дўкон орқали сотишмоқда.

Бундан ташқари, “Устоз — шогирд” мактабида 30 дан зиёд ёшлар ҳунармандчилик сир-асрорларини чуқур ўрганишга киришдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қўшимча тармоқ фойдаси

**Сурхондарё**

Шўрчи туманидаги “Шўрчидонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида нафақат донни қайта ишлаш, балки ёрдамчи тармоқларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда корхонанинг қандолат ва макарон маҳсулотлари тайёрлаш цехларида касб-ҳунар коллежларини битирган 30 нафар йигит-қиз меҳнат қилаяпти. Улар йил бошидан буён эл дастурхонига 140 тоннага яқин макарон маҳсулотлари ҳамда 30 тоннадан зиёд 6 турдаги ширинликлар етказиб беришди.

— Ёрдамчи тармоқларимиз сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозлангани туфайли ички бозордаги мавқеимиз тобора мустаҳкамланаяпти, — дейди акциядорлик жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори ўринбосари Сирожиддин Қобилов. — Корхонамиз қошида балиқчилик хўжалигини ҳам ташкил этиб, жорий йилнинг ўтган даврида 250 миллион сўмлик маҳсулотни савдога чиқардик. Шунингдек, касаначилик асосида паррандачилик тармоғимиз ишлаб турибди. 50 нафарга яқин чевар хотин-қиз ишчи-хизматчиларимиз учун махсус кийим-кечаклар етказиб бераяпти. Бундан ташқари, гўшт ва сутни қайта ишлаш цехида 13 турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Буларнинг барчаси жамоамизга қўшимча даромад келтираяпти.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Табиий неъматлар экспорт қилинади

**Қашқадарё**

Китоб туманидаги “Гулгунпўшт олмаси” фермер хўжалигида мевани қайта ишлаб, экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Серқуёш заминимизда етиштирилган неъматлар бетакрор таъми ва дармондориларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис уларга ташқи бозорда ҳам талаб катта. Хусусан, юқори технологиялар асосида тайёрланган табиий шарбатлар ҳамда қуритилган мевалар чет эллик харидорларга манзур бўлаётир.

— Цехларимизга 140 миллион сўмлик қуритиш ва қадоқлаш ускуналарини олиб келиб ўрнатдик, — дейди лойиҳа ташаббускори Аминжон Мавлонов. — Эътиборлиси, ҳудудимиздаги фермерлар ҳамда томорқа эгаларидан ҳам шартнома асосида мева-сабзавотларни қабул қилиб олаяпмиз. Ҳадемай, хуштаъм шарбатлар тайёрлашни ҳам ўзлаштирмоқчимиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳавоси мусаффо, суви зилол, тупроғи зар

*Денгиз сатҳидан 3,5 минг метр баландликдаги “Қоронғитўқай” деб номланган ҳудудда Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган Тянь-Шань қўнғир айиғи болалади. Жараённи кузатиш учун бу ерга ўрнатилган фототутқичлардан, видеокамералардан фойдаланилди. Ушбу замонавий техника воситалари тунда нисбатан фаол ҳаёт кечирадиган бошқа ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги қимматли маълумотларни ҳам тасвирга туширгани, айниқса, эътиборга моликдир.*



**ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ**

От-уловларда узоқ йўл босиб келган мутахассислар қўнғир айиқ ва унинг болалари акс этган фотосуратлар ҳамда видеотасвирларни синчиклаб кўрдилар. Махсус лабораторияга топшириш учун нусха кўчирилди. Атроф ўрганилди. Ёввойи ҳайвонларнинг озуқаси масаласида кўнгил хотиржам тортди: ахир бу йил тоғу даштлардаги мевали дарахт буталарининг ҳосили яхши.

Келтирилган ош тузи ва фойдали минералларни махсус ажратилган жойга тўкишди. Яна аллақанча кузатувлар натижаларини ён дафтарларига қайд этиб, Ойгаин ҳудудига ўтиб кетишди. Салқинлигидан ёзнинг саратонида ҳам офтобрўй қидириладиган баланд тоғларда вақтнинг қадрига етиш керак бўлади.

Бу “Угом — Чотқол” давлат миллий табиат боғи ходимларининг иш кунларидан бир лавҳа.

Умумий майдони 574,6 минг гектардан иборат мазкур баҳаво маскан таркибига Чотқол ҳамда Қурама тоғ тизмаларини ўз ичига олган “Оҳангарон” ўрмон хўжалиги, “Чотқол” давлат биосфера қўриқхонаси киради. У Қоражонтоғ, Угом, Пском, Кўксув, Чотқол, Майдонтол, Сандалаш тоғ тизмаларини ҳам қамраб олган. Бу ерларда ёввойи ҳайвонларнинг 230 га яқин тури учрайди. Улар орасида қор қоплони, Туркистон силовсини, Мензбира суғури, кичик такабурун, лочин, қумой, Чотқол шайтон балиғи, Туркистон лаққаси, қўлжа капалаги каби халқаро ва Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган энг ноёб жониворлар бор. Алп зағчаси, тасқара, болтаютар, итолғи каби қушларни фақатгина ушбу манзилда учратиш мумкин. Уларнинг барчаси муҳофазага олинган. Қишнинг қорли-қировли кунларида ёввойи ҳайвон ҳамда паррандаларни озиқлантириш учун мунтазам равишда биотехник тадбирлар ўтказиб турилади.



Дарвоқе, мутахассисларнинг таъкидлашича, миллий табиат боғи ҳудудида дарахтнинг етмишдан ортиқ, бутанинг саксонга, ўсимликларнинг 1800 га яқин тури ўсади.

Бу ердаги ўрмон хўжаликлари томонидан айни дамда сунъий ўрмонзорлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Бурчмулла” ўрмон хўжалигининг Сижжак бўлимида эрозияга учраган 2 минг гектардан зиёд майдонга бодом, ёнғоқ, заранг, япон софораси, игнабаргли дарахтлар экилди. Уларнинг кўкарувчанлиги 95 фоизни ташкил қилди. Хўжаликда охирги 15 йилда сунъий ўрмонлар барпо этиш икки баробар кўпайди. Эътиборлиси, янги ўрмонзорларда мевали дарахтлар билан бир қаторда, ноёб игнабарглилар кўпайиб бораётир. Сунъий ўрмонзорлар ташкил қилишда илғор фан ютуқларидан, самарали ишлаб чиқариш тажрибаларидан фойдаланилаяпти. Ҳозир ўрмон хўжаликларининг кўчатхоналарида игнабарглилардан арча, Қрим қарағайи, Шарқ туяси, Тянь-Шань қора қарағайи, манзарали дарахтлардан эман, каштан, оққайин, заранг, камхастак, лола дарахти, терак, тол, мевалилардан ширин ва аччиқ бодом, ёнғоқ, олма, нок, шафтоли, ўрик, наъматак кўчатлари етиштирилмоқда.

Ҳавоси мусаффо, суви зилол, тупроғи зар, поёнсиз қирадирларда, тоғу тошларда ўсган ҳар бир гиёҳ дардга даво, бетакрор малҳам ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, даралрда табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар жуда кўп. Шу боис ўрмончилар шифобахш набототларни қидириб топиб, йиғиштириб олиш юмушларини ҳам эътибордан четда қолдирмаяпти. Шу кунларда 90 тонна доривор ўсимликлар пояси ҳамда илдизларини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Шўх сойлари, тиниқ булоқлари Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларига қуйиладиган тоғли ҳудуддаги олтита табиий, учта тарихий обида, қараб кўз қувнайдиган гўзал манзаралар бу масканда туризмни ривожлантириш имконияти кенглигидан далолат беради. Шунга кўра, икки йилдирки, Янгиқўрғонсой тоғлари бағридаги сўлим табиат қўйнида мавсумий чодирлар шаҳарчаси ташкил этилмоқда. Дам олиш мавсумида бу манзилда минглаб сайёҳлар ҳордиқ чиқараётир.

— Табиат жонкуярлари мавжуд ўрмонларни тиклаш, иҳота дарахтзорларини барпо қилиш, ўрмонларни ёнғиндан, ўзбошимчалик билан кесишдан, турли касаллик ҳамда зараркунандалардан сақлаш, тупроқ эрозиясига қарши курашиш саъй-ҳаракатларини изчил олиб бормоқда, — дейди “Угом — Чотқол” давлат миллий табиат боғи бош директори Холтўра Сувонов. — Зеро, ноёб ландшафт, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш, бетакрор табиат инъомларини келажак авлодларимизга тўла-тўкис қолдириш асосий вазифамиздир.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тежамкорлик омили

*Экологларнинг таъкидлашича, атмосфера ҳавосига транспорт воситаларининг таъсири катта бўлмоқда.*

*Мутахассислар бунинг салбий оқибатларини камайтиришнинг асосий шарти автоуловларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, яъни уларни муқобил ёнилғида ишлашга мослаштиришдир, дея ҳисоблашади.*

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Мамлакатимизда шу мақсадда тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан амалий чоралар кўрилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги “Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, инвестициялар жалб этилган ҳолда изчил чора-тадбирлар кўрилаяпти. Натижада 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, фойдаланишга топширилган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари сони 519 тага етказилиб, автотранспорт воситаларини сиқилган газда ишлашга мослаштириш даражаси 2010 йилдагига нисбатан сезиларли равишда ошди.

Бундан ташқари, жорий йилга келиб, бензинда ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари сони бундан олти йил аввалгисига қараганда, 24,2 фоиз камайиб, сиқилган табиий газда ишловчи автомобиллар 394 фоиз, суюлтирилган газда ишловчилари сони эса 176 фоиз ошгани диққатга сазовордир. Энг муҳими, бундай чора-тадбирлар туфайли бугунги кунгача тарқатилган сиқилган табиий газ ҳисобига атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар миқдори 3 миллион 348 минг тоннадан ортиқ қисқариб, 6 миллион 271 минг тоннадан зиёд бензин тежалишига эришилди. Умуман, айни пайтда республикамиз бўйича мингдан зиёд автомобилларга газ қуйишга ихтисослаштирилган шохобча фаолият юритмоқда.

Таҳлилларга кўра, транспорт воситаларини сиқилган табиий газга ўтказиш суръатлари жадал ўсмоқда. Бошқача айтганда, ҳозир юртимизда рўйхатдан ўтказилган автомобилларнинг 42,7 фоиздан кўпроғи табиий газда ҳаракатланаётир. Қолаверса, бунинг автомобиль эгаси учун ҳам бир қатор қулайлиги бор. Аввало, истеъмолчининг автобензин ўрнига сиқилган табиий газдан фойдаланиши 1,5 баробар арзонга тушади.

Шу билан бирга, газга ўтказилган автоулов двигатель камерасида сиқиш даражаси юқорилиги, салбий таъсир кўрсатувчи емирувчи кимёвий таркиблар йўқлиги, ёниш жараёни кўрсаткичи юқорилиги ҳисобига унинг юмшоқ ишлаши таъминланади. Чиқиндилар қолмайди. Бу эса, ўз навбатида, двигателнинг ишлаш муддатини 40 фоизгача узайтиради.

Албатта, автомобиллар сони йилдан-йилга ортиб бораверади. Шу маънода, уларни суюлтирилган ёки сиқилган газ ёнилғиларига мослаштириш нафақат аҳоли маблағлари тежалишига, балки иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Ислом ОЛИМХЎЖАЕВ,**
**«Ўздавнефтгазинспекция» давлат инспекцияси марказий инспекторлик бўлими бош мутахассиси.**

## Бухоро томонларда

### Давлат дастури асосида

*Шофиркон туманида “Қаҳрамон” мелиоратив насос станцияси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу юмуш суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган Давлат дастури доирасида амалга оширилди.*

— Мазкур гидроиншоот ер ости сизот сувлари оқимини тезлаштириш, экин майдонларининг шўрланиш даражасини пасайтириш ҳамда сувдан самарали фойдаланиш имконини беради, — дейди шофирконлик фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов. — Унинг обиҳаёт манбаи танқис саналган Жилвон чўли ҳудудида барпо қилиниши бу ерда деҳқончиликни янада ривожлантириш, ҳосилдорликни оширишни таъминлайди. Янги станция шарофати билан ўнта фермер хўжалигига қарашли 700 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати барқарорлашади.

Айтиш жоизки, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари эвазига кейинги 8 йилда Бухоро вилоятида 11 ана шундай насос станцияси қурилди.

### ФҲДЁ бўлими янги бинода

*Жондор туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди.*

Бу ерда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оила муқаддас тушунча эканини улар онгига сингдириш каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун барча қулайлик муҳайё этилган. Эътиборлиси, мазкур иншоотни қуёш энергияси ёрдамида ёритиш имконияти яратилган. Нотариал идора ҳам шу ерда фаолият кўрсатмоқда.

Иншоот қурилиши учун 990 миллион сўм сарфланди.

### Истиқболли лойиҳа

*Пешку туманидаги “Хурсанд, Ҳайит” фермер хўжалигида наслли қуён парваришлашга ихтисослаштирилган ферма фаолияти йўлга қўйилди.*

— Тижорат банки 200 миллион сўм миқдорида кредит ажратиш билан бизнес лойиҳамизни қўллаб-қувватлади, — дейди фермер Эркин Обидов. — Хориждан 114 бош зотли қуён сотиб олдик. Йил охирига қадар улар сонини яна 400 тага кўпайтирамиз. Бу жониворлар наслдорлиги, сергўштлиги, табиий иқлим шароитига тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Биз уларни кўпайтирибгина қолмай, гўшти ҳамда терисини экспорт қилмоқчимиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


АТ ХАЛҚ БАНКИ

**«АТ Халқ банкининг дастурий-аппарат мажмуасини кенгайтириш ва модернизациялаш» лойиҳаси бўйича тендер савдоларини эълон қилади.**

*Тендер № 8-2016*

АТ Халқ банки ўз эҳтиёжи учун дастурий-аппарат мажмуасини кенгайтириш ҳамда модернизациялаш учун жиҳозлар харид қилишни режалаштирмоқда.

Етказиб бериш муддати:

— хорижий етказиб берувчилар учун 100 фоиз аккредитив очилган пайтдан бошлаб 90 (тўқсон) банк куни мобайнида;

— маҳаллий етказиб берувчилар учун 15 фоиз тўлов амалга оширилган пайтдан бошлаб 90 (тўқсон) банк куни мобайнида.

Етказиб бериш шартлари, лойиҳанинг энг юқори баҳоси, закалат пули миқдори ва бошқалар тендер тўғрисидаги маълумотда ҳамда тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 500 АҚШ доллари ёки тўлов амалга ошириладиган кундаги курс бўйича сўмда (маҳаллий иштирокчилар учун).

Тендер ҳужжатларини қабул қилишнинг охирги муддати — **2016 йил 10 октябрь куни маҳаллий вақт билан соат 18.00**.

Дастлабки малакавий танлов 2016 йил 11 октябрь куни соат 16.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй, АТ Халқ банки биноси.

Батафсил маълумот олиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун ҳар куни (дам олиш ҳамда байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер комиссиясининг ишчи органига — МЧЖ «Uzconsultservice» ҚКга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 31-«А» уй.

Телефонлар: (+99871) 233-03-24, 236-39-97. Факс: (+99871) 233-05-21.
Мулоқот учун масъул шахс — Дўсмуҳамедов Л. С.,
телефон: (+99897) 191-78-71. E-mail: ld@ucs.uz

Хизматлар лицензияланган.

1368R/620


ЭЪЛОНЛАР


АТ ХАЛҚ БАНКИ

**«АТ Халқ банки эҳтиёжи учун шахсий компьютерлар харид қилиш» лойиҳаси бўйича тендер савдоларини эълон қилади.**

*Тендер № 9-2016*

АТ «Халқ банки» ўз эҳтиёжи учун шахсий компьютерлар харид қилишни режалаштирмоқда.

Етказиб бериш муддати:

— хорижий етказиб берувчилар учун 100 фоиз аккредитив очилган пайтдан бошлаб 60 (олтмиш) банк куни мобайнида;

— маҳаллий етказиб берувчилар учун 15 фоиз тўлов амалга оширилганидан сўнг 60 (олтмиш) банк куни мобайнида.

Етказиб бериш шартлари, лойиҳанинг энг юқори баҳоси, закалат пули миқдори ва бошқалар тендер тўғрисидаги маълумотда ҳамда тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 500 АҚШ доллари ёки тўлов амалга ошириладиган кундаги курс бўйича сўмда (маҳаллий иштирокчилар учун).

Тендер ҳужжатларини қабул қилишнинг охирги муддати — **2016 йил 10 октябрь куни маҳаллий вақт билан соат 18.00**.

Дастлабки малакавий танлов 2016 йил 11 октябрь куни соат 16.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй, АТ Халқ банки биноси.

Батафсил маълумот олиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун ҳар куни (дам олиш ҳамда байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер комиссиясининг ишчи органига — МЧЖ «Uzconsultservice» ҚКга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 31-«А» уй.

Телефонлар: (+99871) 233-03-24, 236-39-97. Факс: (+99871) 233-05-21.
Мулоқот учун масъул шахс — Дўсмуҳамедов Л. С.,
телефон: (+99897) 191-78-71. E-mail: ld@ucs.uz

Хизматлар лицензияланган.

1369R/620

**МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА**

*Мустақиллик йилларида мамлакатимиз молия-банк тизимини ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, шунингдек, тизим инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад молия муассасаларининг инвестиция жараёнлари, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларидаги иштирокини фаоллаштириш, мижозларга ишончли ҳамда самарали хизмат кўрсатилишини таъминлашдир.*

# БИЗНЕС РИВОЖИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Молиявий хизматлар бозорининг таҳлили амалда бунга эришилаётганини ифодаламоқда. Чунки сўнгги йилларда тақдим этилаётган банк хизматлари турлари ҳамда уларнинг кўлами тобора кенгайиб, кредит бериш тартиб-таомиллари тубдан соддалаштирилди. Буни республикамиздаги етакчи молия муассасаларидан бири бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иш жараёни мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, мазкур банк иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича муайян ютуқларни қўлга киритмоқда. Масалан, 2015 йилда кичик бизнес равнақи учун миллий валютада 1,8 трлн. сўмлик кредитлар, 205 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилган бўлса, 2016 йил 1 август ҳолатига кўра, соҳа вакилларига берилган кредитлар ҳажми 1 трлн. 479,6 млрд. сўмлик, микрокредитлар миқдори эса 225,9 млрд. сўмликка етказилди. Бу сармоялар 6815 та иш ўрни ташкил этилишида муҳим асос бўлди.

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига биноан, жорий йилнинг биринчи ярмида умумий қиймати 282,2 млрд. сўмлик, шундан кредит ҳажми 94,8 млрд. сўмлик 1378 та лойиҳа молиялаштирилиб, бунинг ҳисобига 9728 та иш жойи очилди.

Бу борада банкнинг Тошкент вилояти бўлими томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Пировардида бўлим мижозлари фаолияти кенгайиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлиги таъминланаётир.

— Корхонамиз 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, у полипропилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди "Uzpolitex holding" масъулияти чекланган жамиятининг бош ҳисобчиси Нарзулла Юнусов. — 2015 йилда фаолиятимизни кенгайтириш, янги турдаги универсал қадоқлаш воситалари тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида молиявий ёрдам сўраб, "Ўзмиллийбанк"нинг Тошкент вилояти бўлимига мурожаат қилгандик. Банк томонидан қисқа вақт ичида Хитой давлат тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 2,76 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилди. Ушбу маблағ эвазига Австриядаги "Starlinger" компаниясининг "AD*Star" туркумига кирувчи энг сўнгги русумдаги қоп ишлаб чиқариш технологик ускуналарини харид қилдик. Улар ёрдамида ҳозирги кунда импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли қоплар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу маҳсулотимиз шу пайтгача цемент, қуруқ қурилиш қоришмаси каби бунёдкорлик маҳсулотларини қадоқлашда фойдаланиб келинаётган қоғоз қопларга нисбатан ўзининг пишиқлиги, ташишда қулайлиги, ҳар қандай об-ҳаво шароити таъсирларига чидамлилиги билан ажралиб туради. Чунки қоплар юза қисми ламинат билан қопланган полипропилен матодан ишланган бўлиб, у сув ўтказмайди. Бундан ташқари, қоп юзасида тегишли маълумотларни ўта юқори сифатда, тасвирларни эса замонавий 3D кўринишида жойлаштириш имкони мавжуд.

Чиндан ҳам, мазкур корхона томонидан етказиб берилаётган "AD*Star" қоплари экологик жиҳатдан тоза ҳамда атроф-муҳитга мутлақо безарардир. Яна бир эътиборга молик жиҳати, маҳсулотни қайта ишлаб, ундан яна фойдаланиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, уларда шакар, ун каби озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам қадоқлаш мумкин. Бу юқори самарадорликка, савдо имижи жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда ўз маҳсулотини маҳаллий корхоналарга етказиб бераётган тадбиркор уни экспорт қилиш ҳаракатини ҳам бошлаб юборган. Шу мақсадда чет эл компаниялари билан музокаралар олиб бормоқда. Зотан, 20 кишилик аҳил жамоа томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон стандартларига тўла жавоб беради.

Бу "Ўзмиллийбанк" кўмаги билан фаолиятини ривожлантириб бораётган минглаб кичик бизнес субъектларидан бири, холос. Зеро, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тадбиркорлик ҳаракатини, оилалар, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш, пировардида юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш банк жамоаси зиммасидаги устувор вазифадир.

**«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*


## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, Марказ-4, 11-«Б» уйда жойлашган, 9 қаватли, ертўлали, кўп тармоқли бинонинг 1, 2-қавати ва 2 қаватли ертўла қисми такроран қўйилмоқда.

Ер майдони — 3176 кв. м., бинонинг умумий майдони — 10681 кв. м.

***Бошланғич баҳоси — 17 210 561 247 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади.

Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир иш куни олдин (2016 йил 23 сентябрь) соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

1371R/609

**Қўшимча маълумот олиш манзили:
«Universal realtor» МЧЖ, 100047,
Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.
Телефон: (0-371) 150-35-55.
www.realtor.uz
Электрон почта: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.



## «KIM OSHDI SAVDO SERVIS» МЧЖ
### Тошкент шаҳар филиали



**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми асосида 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами PB 476 T77, кузов рақами ZHWGE11S14LA 01386 бўлган, қизил рангли, «Lamborghini Gallardo» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 615 583 497 сўм.**

Автотранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, «Тошкент ОРМЗ».

2016 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ҳукми асосида ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BE 429, двигатель рақами 60199 бўлган, кузови — самосвал, ботқоқ (хаки) рангли, техник носоз, «КамАЗ-5511» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 30 283 200 сўм.**

* 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BE 430, двигатель рақами 60941 бўлган, кузови — самосвал, апельсин (оранжевый) рангли, техник носоз, «КамАЗ-5311» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 23 584 500 сўм.**

* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BA 712, двигатель рақами 812046 бўлган, кузови — контейнер ташувчи, пушти рангли, техник носоз, «КамАЗ-5320» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 29 367 000 сўм.**

* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 010, двигатель рақами 696772 бўлган, кузови — контейнер ташувчи, сариқ рангли, техник носоз, «КамАЗ-55102» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 25 272 000 сўм.**

Автотранспорт воситалари сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор мавзук кўчаси, 3-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

Гувоҳнома № 4621.

**Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99890) 725-88-80. www.koss.uz**

1360A/609



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02



## Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси

**«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси хизмат уйлари учун мебель харид қилиш» лойиҳаси бўйича тендер савдоларини эълон қилади.**

Тендер № 10-2016

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси Тошкент шаҳрида жойлашган хизмат уйлари учун мебель харид қилишни режалаштирмоқда.

Маҳсулотни етказиш ҳамда йиғиб бериш муддати — тўлов амалга оширилгандан сўнг 25 кун мобайнида.

Лойиҳанинг энг юқори баҳоси — 708 488 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача МЧЖ «Uzconsultservice» ҚК тендер комиссиясининг ишчи органидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 31-«А» уй.

Мулоқот учун шахс — Дўсмуҳамедов Л. С.

Телефонлар: (+99871) 233-03-24, 236-39-97. Факс: (+99871) 233-05-21.

E-mail: ld@ucs.uz

Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 1 200 000 сўм.

Тендер савдоларида қатнашиш учун 35 424 400 сўм миқдорида закалат пули ўтказилиши лозим.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 10 октябрь куни маҳаллий вақт билан соат 13.00.

**Дастлабки малакавий танлов шу куннинг ўзида танлов савдолари бошлангунгача, яъни соат 15.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси жойлашган қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 35-уй.**

1365A/617



## «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Хўжайли тумани судининг 2012 йил 7 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Хожели дийхан базары» МЧЖнинг 36 фоиз улуши такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 299 071 063 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 23 сентябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар СИБ томонидан ФИБ Нукус туманлараро судининг 2016 йил 24 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Машҳур улгуржи савдо» МЧЖга тегишли, Хитой Халқ Республикасида тайёрланган халта ишлаб чиқариш ускунаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 350 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 10 октябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 6 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур мулклар билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302129374.

**Савдо ўтказиладиган манзил:
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри,
А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.
Телефон: (0-361) 222-84-44.
www.qmm.uz**

*Гувоҳнома № 9506.*

1352A/613



## «REAL ESTATE BUSINESS» МЧЖ

**Бухоро шаҳар СИБнинг 2016 йил 6 сентябрдаги 21699/01-06-сонли буюртма хатига асосан, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг 2016 йил 14 июлдаги 20-1601/7607-сонли ижро варақасига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро вилояти, Бухоро тумани, «Мустақиллик» МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган, ер майдони 9458,662 кв. м. бўлган бино қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 700 977 802 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 5 октябрь куни соат 16.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, 407-хонада бўлиб ўтади.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртманомалар 2016 йил 4 октябрга қадар иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти) қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва ваколатли вакил учун тасдиқланган ишончномани тақдим этишлари лозим.

Аукцион савдоси ғолибига кўчмас мулк қийматини 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаш мажбурияти юклатилади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «Real estate business» МЧЖ, ҳ/р: 20208000000485440001, АТ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро минтақавий филиали, МФО: 00115, СТИР: 303391629, ОКОНХ: 83200.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки объект билан танишиш ҳамда қўшимча маълумот олиш манзили: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй.
Телефонлар: (0-365) 221-59-55, (+99893) 383-01-38, 383-00-17.
www.rieltor-buxara.uz
Электрон почта: muxabbatka@.list.ru**

Хизматлар лицензияланган.

1357A/618



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6